

Ўзбекистон Бадий Академияси

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

РЕФЕРАТ

**МАВЗУ: Ўрта Осиё ва Европа мезолит даври маданияти ривожланиш
босқичлари.**

Бажарди: Санъатшунослик факультети

1-курс талабаси Қурбонова А.

Текширди:

Тошкент 2009 й.

РЕЖА

1. Урта Осиёда археология фанининг ривожланиши тарихи. Археология фанининг вазифалари.
2. Урта Осиё археологининг шаклланиши.
3. Урта Осиё мезолит даврида
4. Мезолит манзилгохлари ва ёдгорликлари. (Хисор, Жойтун, Сувёрган маданияти).
5. Мезолит даврида Шангкоба, Мурзаккоба ва Фатмакоба маданияти.

ЎРТА ОСИЕДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН

АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Археология тарихнинг таркибий қисми бўлиб, ижтимоий фанлар орасида алоҳида ўрин тутати. «Археология» термини «ар-хайос»—қадимги, «логос»—фан, деган иккита қадимги грекча сўзнинг бирикишидан ташкил топгандир; демак, «археология» қадимги билимлар ҳақидаги фан, деган маънони билдиради. Лекин илгариги вақтда археологияни фаннинг қайси соҳасига қўшиш тўғрисида кескин баҳслар бўлиб, баъзилар уни қадимги санъат ҳақидаги фан десалар, бошқалар қадимги дунё ҳақидаги фан, яна бошқа бировлар синган сопол идишларни ўрганувчи фан деган фикрларни билдирганлар, баъзи олимлар эса уни тарих фанининг хизматкори бўлган иккинчи даражали фан, деб тушунганлар.

Тарих ва археология аслида ўзаро чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ягона фаннинг икки соҳасидир. Чунки археология ҳам тарих фани ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни ёритишда тенг иштирок этади. Шунинг учун улардан бирини бошқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мазкур фанни тарих ва археологияга, олимларни эса археологлар ва тарихчиларга ажратиш шартлидир, холос. Шу нарса равшанки, тарихнинг асосий манбаи ёзув ва унинг манбалари бўлиб, унинг пайдо бўлиши милоддан аввалги IV—III минг йилликларга бориб тақалса, археологиянинг манбалари унга нисбатан жуда қадимийдир ва бу манбаларнинг пайдо бўлиши инсоннинг ҳайвондан ажралиб чиқа бошлаш даври, яъни 2,5—3 миллион йил қадимий даврга бориб тақалади. Биз кишилиқ жамияти бутун тарихини- 24 соат деб фараз қилсак, шундан 23 соату 56 минути ибтидоий — ёзма манбаларсиз даврга, қолган 4 минути эса ёзма тарихга тўғри келади.

Демак, кишилиқ жамияти тарихининг жуда катта даври археологик манбаларга таянган ҳолда қайта тиклаб талқин этилади. Зеро, археологияни тарихдан ажратиб, ёрдамчи фан тарзида иккинчи ўринга суриб бўлмайди. Қейинги бир асрда археология соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар бу фикрни тўла-тўқис тасдиқлайди. Бинобарин, бошқа бирон фан кишиларнинг дунё ҳақидаги тасаввурларини археологиячалик ўзгартириб юбора олмайди.

Ўрта Осиё археологининг шаклланиши

1936-1938 йилларда Термиз шаҳри ва унинг атрофларида Ўрта Осиё ҳудудидаги дастлабки йирик археологик илмий экспедиция - Термиз археологик комплекс экспедицияси (ТАКЭ) иш олиб борган эди. Профессор Михаил Евгеньевич Массон раҳбарлигида кўҳна шаҳар тарихини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш учун Тошкент, Москва, Санкт-Петербургнинг юқори малакали мутахассислари – археолог, санъатшунос, архитектор, геолог, ирригатор ва бошқалар жалб этилди. Тадқиқотлар натижасида Термиз шаҳрининг юзага келишидан бошлаб токи XIV асрнинг бошларигача бўлган

тарихи илк бор даврлаштириб чиқилди, тарихий топографияси тузилди. Кушонлар даврига тегишли Чингизтепа, Айритом ва Қоратепа каби ёдгорликлар тадқиқ қилиниб, Кушон давлати тарихини ўрганишга жиддий қадамлар қўйилди. Айритомдан дунёга машҳур машшоқлар тасвири солинган фриз бўлаклари топилди. Термиз ҳукмдорлари саройида кенг кўламли қазилма ишлари олиб борилди. Бошқа меъморий ёдгорликлар, шаҳар ва унинг атрофи суғориш иншоотлари тарихи тадқиқ қилинди. Экспедиция якунлари 1940 ва 1945 йилларда икки жилдли китобда, кўплаб мақолаларда эълон қилинган. ТАКЭ томонидан Кўҳна Термизда олиб борилган тадқиқотлар минтақамиздаги бошқа қадимий шаҳарлар тарихи учун ҳам комплекс ўрганишнинг аҳамиятини кўрсатиб берди. М.Е. Массон раҳбарлигида кейинги йилларда олиб борилган кенг кўламли археологик тадқиқот ишлари (масалан, ЮТАКЭ – Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси, Катта Фарғона каналида қурилишидаги археологик кузатув ишлари, КАТЭ – Кеш археологик экспедицияси) асосида Термизда орттирилган тажриба ётади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Шуни ҳам айтишимиз жоизки, Михаил Массон Ўрта Осиё Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети)нинг археология кафедрасининг ташкилотчиси ва мудири (1936 йилдан). Унинг шогирдлари ҳозирги кунда Марказий Осиёнинг етакчи археологлари, МДХдаги фанлар академиялари академик ва мухбир-аъзоларидир. Михаил Евгеньевич Массон 1897 йилнинг 5 декабрида Самарқандда таваллуд топган. У гимназияда ўқиб юрган кезларидаёқ, кўҳна Афросиёбдан ажойиб Регистон ёдгорликларигача ўтган асрлар бўйи таралиб турган антиқа шаҳарнинг гўзаллигига мафтун эди. Ёшлигидан фанга меҳр, олимларга ихлос қўйган ҳамда устозлари ишини давом эттириб, Ўрта Осиё археология мактабига асос солган бу ажойиб инсон ўзининг “Из воспоминаний среднеазиатского археолога” (Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти, 1976 й.) номли китоблар ёзган.

Ўрта Осиё мезолит даврида

Марказий Осиё ҳудуди (ҳозирги Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон мустақил давлатлари ва Қозоғистон давлатининг жанубий қисми ҳудудлари) қадимдан бошлаб инсониятнинг илк маданий марказларидан бири бўлган. Рим тарихчиси Трог Ромул “Ўрта Осиёликлар қадимийликда Мисрликлар билан бахслаша оладилар” деб қайд этган эди.

Марказий Осиё ҳудудида қадимги тош, бронза даврларига оид кўплаб ибтидоий қанзиллар, қабрлар, қадимги даврга оид шаҳарлар қолдиқлари ўрганилиб, унинг натижалари илмий жамоатчиликка эълон қилинган эди.

Марказий Осиё ҳудудида шўролар ҳокимияти даврида археологик тадқиқотлар олиб борилиб, унинг натижалари М.Ж.Жўрақулов “Ўрта Осиёнинг ибтидоий археологияси (1984 й.) Ж. Кабиров, А.С.Сагдуллаевларнинг “Ўрта Осиё археологияси (1990) ўқув қўлланмаларида акс эттирилган.

Мезолит - ўрта тош даври бўлиб, юнонча мезос-ўрта, литос - тош демакдир.

Сўнгги палеолит даври мезолитни бошланиши билан улуғ музликлар (Миндилов, Рис, Вюри) эрий бошлайди. Иқлим барқарорлашиб, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси аста-секин ҳозирги замон ҳайвонлари ва ўсимликлари қиёфасига кириб бошлайди. Демак, табиатдаги ҳайвонот дунёсидаги бу буюк ўзгаришлар билан янги давр, яъни мезолит даври бошланади. Олимларнинг фикрича бу давр мил аввалги 12-7 нинг йилларда бошланиб, мил аввал 6-5 минг йилларгача давом этган. Музлик турлари билан шимолда Болтик денгизи ҳозирги чегарасига яқин бўлган чегарани ташкил этган ва катта кичик бўлган ботқоқликлар пайдо бўлган. Жанубий районларда кенг япроқли дарахт ўрмонлари вужудга келган. Волга, Дон, Днепр дарёларининг қуйи оқимидан жануброқда Қозоғистон, Ўрта Осиё ва жанубий Сибир районларида ҳайвонлар учун яйлов-чўл зонаси вужудга келган, музликни эриши билан шимолдан жанубга келган шохдор буғулар энди шимолга кўчиб ўтиб бошлади. Узун жунли мамонтлар ҳам тугаб бу йирик ҳайвонлар, яъни макролитлар ўрнига кичик тез чопар микролитлар вужудга келди. Бу ҳайвонларни вужудга келиши ўқ ёйни кашф этилиши билан боғлиқ эди. Яъни бу билан инсоният йирик ҳайвонлардан кўрқиш ҳавфини тугатди ва овчиликни янги усулларины кашф этдилар ва овчилик- ибтидоий кишиларнинг ҳаёт манбаига айланди. Ҳайвонларни қўлга ўргатиш бошланди. Биринчи қўлга ўргатилган ҳайвон эса ит эди. Бу давр одамлари ўсимлик илдизи билан эмас, балки мазали мевалари тирикчилик қиладиган бўлганлар. Суякдан қуроллар ясалган (қармоқ). Дарахт новдаларидан саватлар тўқиганлар мезолит даврида ўтроқ ҳаёт тарзи бошланган ва янги музликдан бўшаган ерларни ўзлаштиришга киришганлар, инсониятни меҳнат қуроллари ҳам такомиллашиб ҳар хил геометрик шаклдаги кичик тош микролит қуроллари пайдо бўлди. Дастлаб бу қуролларни Францияни жанубида яшаган арунта қабилалари ишлатганлар чунки 1887 йилга археологик текширишлар натижасида аниқланган. Мезолит даврида Ўрта Осиёда ҳам иқлим қулай бўлиб, 1970-80 давларда Исломов ўрганиб Сух яқинидан Обишир манзилгоҳини ўрганган. Ғорнинг қуёшга қараган томонида унгурлар бўлиб Обишир ва Обишир-5 дан мезолит ёдгорликлари топилган. Фарғона водийсидан 100 дан ортиқ манзиллар топилган. Яна Тошкентнинг Сарикамиш туманидаги Бўзсув сойининг 2 ирмоғи қўшилиши жойидаги Қўшилиш манзилгоҳи аниқланди. Сурхондарё вилоятидан Айритом, Каттақургон, Заранжукчут Дуқанхона, Эски Термиз, Подахона, Оқтош ёдгорликлари аниқланди. 1930 йилда Г. Ф. Парфинов Мачай ғорини текширди. 1970-80 йилларда Исломов шу ерда яна қазилма ишларини олиб бориб, маданий қатламни аниқлади. Бу ердан топилган 80% қуроллари овчилик ва ҳайвон терисини ишлаш қуроллари бўлган. Бу қуроллар мил авв 7-6 минг йилларга бориб тақалади. Лекин бу асрда ўрта ва яқин шарқда неолит даври гуллаб яшаган даври бўлган.

Ўзбекистондаги мезолит даври ёдгорликлари қўшилиш маданияти. 1) Мил авв 11-10 йилликлар 2)Обишир маданияти. 3) Мачай маданияти 7-6

минг йилликлар. Бу даврда диний тасаввурлар ҳам вужудга келган (Кайла, Туткаул, Мачайдан) лиги аниқланган. Кайла ғоридан топилган мазорда чалканчасига ётқизилган устига оҳра (кизил) ранг сепилган, оёқлари букилган бўлиб, тақинчоқлар, аёллар ёнидан тошмунчоқлар топилган. Сурхондарёни Зараутсой қоя суратлари шулар жумласидандир. Булар қизил ранг билан ишланган, аввалги хайвонларнинг ов қилиш манзараси тасвирланган, овчиларнинг ёнларида ити, устларида ёпинчик, қўлларида ўқ-ёй ва палахмон тошлари бўлган.

Бу даврда ертўлалар, лойдан уй қуришган доимий ўтлоқ ҳаёт тарзи барпо бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида мезолит даври манзиллари

Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғида Мочой ғор-манзили-юқори ва ўрта Мочой қишлоқлари ўртасида жойлашган унинг кенглиги-20м, чуқурлиги-2, баландлиги 3,5-5 м. Маданий қатламда тош ва суяк қуроллари топилган.

Айиртом-Термиз шаҳаридан 18 км шарқда Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

Фарғона водийсининг жанубидаги катрон тоғининг жанубида Обишир II, Обишир V маконлари ўрганилди.

Обишир II – Хайдаркон шаҳаридан 5 км узоқликда жойлашган, унинг кенглиги 25 м, баландлиги 12, чуқурлиги-6 м.

Обишир 5- Обишир II яқинида жойлашган, унинг кенглиги-8 м, баландлиги 10, чуқурлиги-6 м. Бу икки ғор-макон қатламларидан парракчалар, пичоқ қадомалари, қирғичлар, течгичлар, микролитлар, бигизлар, ўроқ-рандалар топилган.

Марказий Фарғона ҳудудида мезолит даври манзиллари кўплаб ўрганилган. Шулардан: Шуркул, Аччиккул, Янгиқадам, Замбар, Тойпоқкул, Дамқўл, Боскум каби очиқ шаклдаги манзиллар бўлган. Зарафшон воҳасида мезолит даври манзиллари ўрганилган.

Сазогон II – манзил маданий қатлампан 2300 та тош қуроллар олинган. Тош парчалари-74. %, парракалар 20,1%, Чорбакти- Бухоро вилояти Газли шаҳари яқинида жойлашган, унинг маданий қатлампан олинган қуроллар Сазагон- II меҳнат қуролларига ўхшайди.

Тошкент шаҳарининг Ғарб томонидаги Қорақамиш жарлиги атрофида Бўзсув II, Қўшилиш мезолит даври жой-маконлари ўрганилган. Маданий қатламлардан қирғичлар, геометрик қуроллар, пластинкалар тош пичоқ меҳнат қуроллари олинган. Маданий қатламлардан қўй, эчки, буқа ва сигирнинг суяклари топилган, манзиллар бундан 12-13 минг йилликка оид. Шимоли-Ғарбий Устюрт ҳудудидаги Жайронқудуқ ва Айдабол қудуқлари атрофидан 30 та манзиллар ўрганилган.

Хисор маданияти - мил.ав.6-3 минг йилликларга оид неолит даври археологик мажмуаси. Асосий ёдгорликлари Тожикистоннинг

Ёвонсу, Вахш, Қизилсув, Кофар, Ниҳон дарёлари хавзаларида қайд этилган. Хисор маданияти 1948 йил А.П.Окладников томонидан кашф этилган; асосий ёдгорликлари Тутковул, Сайёд, Қози Берди ва б. Бу маданият даврий жиҳатдан Ўзбекистондаги Калтаминор ва Туркменистондаги Жойтун археологик маданиятлари билан бир вақтга тўғри келади. Топилмалари тош ва суякдан ясалган қуроллар, ҳар хил маиший ўчоқлардан иборат. Тош қуроллар ясашда оҳақтош, кварцит, серпантин, яшма каби материаллардан фойдаланилган. Ҳозиргача Хисор маданияти ёдгорликларида сопол буюм намуналарини учрамаслиги тадқиқотчилар учун ечилмаган муаммо бўлиб қолмоқда. Холбуки Калтаминор маданияти даврида Ўрта Осиёда сопол идиш тайёрлангани маълум эди. Хисор маданияти соҳибларини хўжалик жиҳатдан эндигина ўтроқлашайётган овчилар, теримчилик билан тирикчилик қилувчилар ташкил этарди деб ҳисоблаш мумкин. Деҳқончиликнинг илк белгилари фақат Хисор маданиятининг сўнгги даврида пайдо бўлган.

Жойтун маданияти – Ўрта Осиёнинг неолит даврига оид энг қадимги ўтроқ деҳқончилик маданияти марказларидан бири (мил.ав.6-5 минг йилликлар) Ашхободдан 30 км Шимолда жойлашган қадимги ўтроқ деҳқонлар қишлоғи харобаси номидан олинган. 1952 йилдан Жанубий Туркменистон археология комплекс экспедицияси қазиниш ишлари олиб борган. Ундан ортиқ ёдгорликлар (Чағиллитепа, Пессежиктепа, Чопонттепа, Найзаттепа, Жойтун ва б.)ни текширган. Бу уруғдошлик манзилгоғларининг ҳар бири 0,5-2 га майдонни эгаллаган. Сомонли гуваладан қурилган бир хонали уйлар (25-45 м²) саҳни оч ганчли лой билан сувалган айримлари қизил ва қора рангга бўялган. Хаар бир хонада ўчоқ ғалла ўраси, супа бўлган. Айрим хоналар ўртасида ката оташкада бўлиб, умумий саждагоҳ вазифасини ўтаган. Манзилгоҳларда омбор, сопол идишлар пишириладиган майдончалар бўлган. Уч маданий қатламдан иборат Жойтун манзилгоҳи (Жойтун маданияти шу номдан олинган) тўла ўрганилган. Унинг майдони 0,5 га юқори қатлами 35-40 хонадан, ўрта қатлами 29 хонадан иборат. Манзилгоҳлардан болалар суяги топилган, катталар ташқарига кўмилган. Аҳоли асосан деҳқончилик, чорвачилик, овчилик билан шуғулланган. Аҳоли чакмоқтошдан қирғич, ўроқ, ранда, пичоқ, суякдан игна, бигиз, тош ўғир ва бошқа буюмлар ясаган. Сопол идишлар сомонли лойдан ишланиб баъзиларининг сирти қизил амгоб билан бўялган. Тош ва лой (сополдан) ишланган аёл ва хайвон ҳайкалчалари, тош, суяк ва чиганоқлардан ясалган тумор, мунчоқ ва б. турли тақинчоқлар кенг тарқалган. Жойтун маданияти Каспий бўйидаги мезолит даври маданияти асосида вужудга келган. У ибтидоий деҳқончилик маданиятининг жаҳондаги ноёб обидаларидан бири ҳисобланади.

Сувёрган маданияти – Хоразм воҳасининг чўл зонасига оид жез даври археологик маданияти (мил.ав. 2 минг йилликнинг 1-ярми, 1 минг йиллик бошлари). Амударёнинг қадимги дельтаси ўнг томонидаги чўл ичига ёриб киргани учун сувёрган номи билан аталган. Хоразм археология-этнография экспедицияси (С.П.Толстов, Я.Ғуломов, М.А.Итина ва б. 1945-1946 йиллар) томонидан тадқиқ этилган. Сувёрган маданияти қабиалари,

С.П.Толстовнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг Жануби Ғарбий вилоятларидан Хоразмга келган янги этник гуруҳ бўлиб, уларнинг моддий маданияти Жанубнинг ўтроқ деҳқончилик маданиятига ўхшаш бўлган. Сувёрган маданияти ўз тараққиётида 3 босқични (Қамишли,Бозорқалъа,Қовунчи) босиб ўтган. Сувёрган маданиятига оид сопол идишлар яхши пиширилиб сирти қизилга бўялган, сиртига тўқ қизил ранг гул солинган сопол парчалари, тош ёрғучоқлар ва деҳқончилик қуроллари ҳам учрайди. Аммо сополларнинг сирти Жанубнинг қадимги деҳқончилик қабилаларининг сопол буюмларидан фарқ қилиб, асосан тўрсимон чизма нақш ва схематик бошқоқ тасвири билан безатилган. Бу топилмалар мил.ав. 2 минг йилликнинг ўрталарида Ўрта Осиё қабилаларининг йирик кўчишларидан далолат беради. Жануб ва Жанубий Шарқий йўналишларидаги 2 йирик кўчиш мил. ав. 2 минг йилликнинг охири 1 минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу босқичда Сувёрган маданияти жамоалари бўлган қабилалар ҳам фаол иштирок этган. Археологик топилмалар Ушбу Шимолий чорвадор қабилаларнинг Ўзбой, Атрек, Тажан, Мурғоб, Амударё ва Сирдарё irmoқлари бўйлаб ҳаракат қилганликларини кўрсатади. Мил. ав. 1 минг йилликнинг бошларига келиб, Сувёрган маданияти ўрнига Амиробод маданияти пайдо бўлган.

1936 йил архелоглар С.Н.Бибиков ва Е.В.Жиров томонидан мезолит даврига оид Кримнинг Жанубий томонидан (Балакалов район) Мурзак-коба ғори топилган. Бу ғордан 40-50 ёшлардаги эркак ва ёш аёлнинг суяклари топилган (кўмилган ҳолда). Скелетлар ёнма-ён жойлашиб эркакнинг ўнг қўли суяги аёл скелети суякларининг тагида жойлашган. Иккала кўмилувчиларнинг танаси тошлар билан қопланган. Аёлнинг ҳаётлик пайтида иккала қўлининг кичгина (охирги) бармоғи ҳам кесилган. Хулосаларга кўра бу одат ё магия билан боғлиқ ёки шу даврнинг маданиятига хослигидир. Бундай бармоқ кесилиши ёки тешилиши бошқа давлатларда ҳам қўлланилиши аниқ бўлади. Бундай одат африкаликлар, австраликлар ва Америка индейцлари аёлларида ҳам қўлланилган. Тош давридаги Европаликлар ҳам бу урфни қўллашган, бунга мисол қилиб Франциянинг Пирения деворий қолдиқларида қўл изининг энг сўнгги бармоғи йўқлиги тасдиғимиз далилидир.


Мурзак–коба ғоридан яна кремендан ясалган қуроллар (кесувчи, скрепкалар, пластинка ва микролитлар ҳамда миниатюрага оид ишлар, геометрик чизиклар), суякдан ясалган қуроллар, хайвонларнинг тиш ва шохлар, суяклари топилган (ёввойи чўчка ва балиқ). Юқори плеолит даври билан мезолит даврини солиштириб кўрилганда ҳаво иқлими анча илқ ва нам бўлган. Helix уруғига оид маллюска ва шиллиқуртлар мезолит даври одамларининг овқатланиш учун асосий емиши ҳисобланган. Мурзак-коба ғоридаги эркак суяклари скелетини Е.В.Жиров изланиш олиб борган. Ташқи кўринишини эса М.М.Герасимов ўрганган. Эркак шахсининг ташқи кўринишини қайта ишлашда М.М.Герасимов фикрича бўйининг узунлиги 180 см лиги билан фарқ қиларди. Унинг бош қафаси ката хажмда. Мускул толалари яхши ривожланган. Ўрта хажмдаги пешона. Қалин қош билан



чегараланган. Ваҳоланки бу юзга у даражада характери кўрсатмайди. Лекин кучлилигини тасдиқлайди. Юзининг катта узунлигига қарамасдан бурнининг узунлиги, сезиларли даражада. Тор баланд бурун ўзининг чиройлиги билан ажралиб туради. Ўрта чуқур жойлашган кўз, кўз бурчакларида ўзини характери кўрсатиб турарди. Яноқ суяклари бўртган, кўпол тузилишда. Пастки жағи ўта ката. Бош тузилиши тўғри ва мағрур. Бўйни ва эғни кучли.

Шан-коба даврида об-ҳаво ҳали салқин эди. Йўқ бўлиб кетган хайвонлар ертўла шерри, гигант кийик, сайгалар яшашган. Шан-коба ва Фатма-коба ғорларининг кираверишида эрта мезолит даврига оид тошлар топилган. Тоғли Кримнинг Мурзак-коба ғоридан мезолит даврига оид мозорлар топилган. Фатма-коба ғоридан эркак кишининг ёнбошлаб кўмилган мозори, Мурза-коба ғоридан эса жуфтлик яъни аёл ва эркакнинг бир-бирига яқин ҳолда кўмилганлиги топилган.



Мезолит давридаги хўжалик иш қуроллари:





АТАМА ВА ТУШУНЧЛАРЛАР

АНИМИЗМ - (лўтинча анима - жўн, рух) - жўн ва рухлар бўрлиғига ишўниш. Ибтидоий даврда пайдў бўлган. Ибтидоий одамлар табиат кучларига қарши курашда ожизлик қилган, ўз ҳаёти ва танасидаги турли ходисалар (туш кўриш, галлюцинатция, ўлим ва хоказо)ни тушунмаган. Улар жон тана билан боғланган у танадан чиқиб кета ўлади, деб ҳисоблаганлар. Инсонда аста-секин абстракт тафаккур ривожланиши билан моддий нарсаларга боғлиқ рух тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлган. Рухлар яхши, саҳий ҳамда ёмон, ёвуз рухларга бўлинган. Рухлар одамлар ҳаётига, турмушига таъсир кўрсата олади деб тасаввур қилинган. Шу сабабли зарур пайтларда уларга қурбонликлар қилганлар.

АНТРОПОГЕНЕЗ – одамнинг келиб чиқиши ва ривожланиши жараёни.

АНТРОПОЛОГ – қадимги одамларнинг қолдиқларини синчиклаб текшириб кўриб, уларнинг ташқи кўринишини қайтадан яратишга, минг йиллар давомида кишиларнинг ташқи қиёфасида рўй берган ўзгаришларни назардан ўтказадиган ўлим.

АНТРОПОЛОГИЯ - қадимги одамлар қиёфасини ўрганувчи фан.

АРХАНТРОПЛАР (юнонча архаиос қадимги ва антхрос - одам) - эволюцион тараққиёти даражаси ва маданияти характериға кўра ўзаро яқин бўлган қадимги қазилма одамлар (питекантроп ва синантроп ва б.). Бу одамлар бундан 800-1млн йил илгари яшашган.

АРХЕОЛОГ – моддий манбалар асосида тарихни ўрганадиган олим.

АРХЕОЛОГИК МАДАНИЯТ - бир тарихий даврга оид, аммо турли ҳудудларда жойлашган археологик ёдгорликларнинг умумий белгиларини ифодаловчи тушунча.

АРХЕОЛОГИЯ (юнонча археос - қадимий, логос - фан яъни қадимийликни ўрганадиган фан) - тарихни ашёвий манбалар асосида ўрганувчи ва улар бўйича тарихий ўтмишни қайта тикловчи қадимият тўғрисидаги фан. Археология сўзини мил. авв. IV асрда Платон (Афлотун) қадимги воқеалар маъносида ишлатган. Илмий мақсадлардаги дастлабки археологик казишлар XVIII аср бошидан бошланган. XIX аср йирик археологик кашфиётлар даври бўлиб, археология фан сифатида шаклланиб борди.

АШЕЛЬ МАДАНИЯТИ - қуйи палеолит даври маданияти. Шу даврга оид тош чўқмор, бир ёки икки томони учирилиб, ўткир қилинган турли шаклдаги чакмоқ тошлардан иборат қуроллар дастлаб Франциянинг Амьен шаҳри яқинидаги Сент-Ашельда топилган ва бу маданият шу жой номи билан аталган. Ашель маданияти даври одамлари ибтидоий жамият тузумининг қуйи босқичида горларда, дарё бўйларидаги пана ерларда тўдалашиб яшаб, овчилик билан ҳаёт кечирган. Оловдан фойдаланган. Ашель маданияти Ғарбий ва Шарқий Европада, Кавказ, Олд Осиё, Африкада тарқалган. Ўрта Осиёда Ашель маданиятига оид қароргоҳлар Жанубий Қозоғистонда (Қоратов), Тошкент водийсида (Селунғур) ва бошқа жойларда учрайди.

АШЕВИЙ МАНБАЛАР – кўҳна манзил-макон, қабр, расм ва бошқа буюмлар (ёдгорликлар), турли меҳнат қуроллар, рўзғор буюмлар, тақинчоқлар, зийнат буюмлар, сопол идишлар ва уларнино парчалари, шунингдек уй-жой қолдиқлари киради.

АВСТРОЛИПИТЕК (жануб маймуни) – маймунсимон одам вакили; 3-4 миллион йил илгари яшаган. Одамзотнинг хайвонлар олами (маймун)дан одамлар дунёсига ўтишдаги қўйилган биринчи қадами эди. 1924-йил Жанубий Африкадан топиб ўрганилган. ДАВРЛАШТИРИШ – инсоният тарихининг бир-биридан тубдан фарқ қилувчи даврларга бўлиниш.

ЭНГ ҚАДИМГИ УРУҒЧИЛИК ТУЗУМИ – инсоният тарихининг барча меҳнат қуроллари умумий бўлган, ҳамма одамлар ҳамкорликда меҳнат қилган давр.

ЭПИГРАФИКА (юнонча эпиграхе - битик) – қадимги битикларни ўрганиш билан шуғулланувчи ёрдамчи тарих фани.

ЭТНОГРАФ – ҳозир ҳам барҳаёт қабилалар ва халқларни, қадимги одамларнинг сақлаб қолган кўпгина удумлари, ҳўжалик ва маданий анъаналарини ўрганувчи олим.

ЭТНОГРАФИЯ - элшунослик, яъни ўтмишда ва ҳозирда яшаётган одамларнинг урф-одатлари, ҳўжалиги, моддий ва маънавий маданиятни ўрганувчи фан.

ФАРҒОНАТРОП – олимлар Фарғонанинг Селенгур ғоридан топилган одам суяги қолдиқларига шундай ном беришган. Илк тарихимизнинг тамал тошлари илк бор аجدодларимиз томонидан Селунгур ғорида қўйилган бўлиб, унинг ёши 1 млн 200 минг йил билан белгиланади. Бизнинг тарихимиз Селунгур ғорида пайдо бўлган архантроплардан бошланади. Ўрта Осиё халқларининг аجدодлари илк бор Фарғона водийсида пайдо бўлган ва азалдан уларнинг авлодлари узлуксиз яшаб келмоқда. **ФИТЕШИЗМ** (португалча фетисо, французча фетиче - сеҳрли нарса, тумор) - ғайритабиий хусусиятларга эга деб ҳисобланадиган жонсиз нарсалар - фетишларга сиғиниш. Сиғиниш объектлари, яъни фетишлар - тош, таёқ, кўзmunчоқ, тумор ва ҳар қандай буюм бўлиши мумкин. Фитешизм динининг қадимги унсурларидан бири. Барча ибтидоий халқларда бўлган.

ГЕНЕЛОГИЯ - алоҳида инсонларни келиб чиқиши, қариндошлик алоқалари, бир оила аجدодларини ўрганиш билан шуғулланади.

ГЕЙДЕЛБЕРГ ОДАМИ – 1907-йили Германиянинг Гейделберг шаҳри яқинидаги Майер қишлоғидан топилган питекантропларга яқин бўлган қазилма одам. Қадимлиги 400 минг йилга яқин. Унда ияк бўлмай, тузилиши худди маймунникига, аммо тишларининг тузилиши одамникига ўхшайди. Жағ суяги билан биргаликда сут эмизувчи хайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган.

ХАРБИЙ ДЕМОКРАТИЯ – илк давлатчиликка ўтиш даврида қабилага ҳарбий сардорлар бошчилик қилган бир бошқарув шакли.

ХОМО ХАБИЛИС - “Ишбилармон одамлар”. Зинжантроплар энг содда меҳнат қуролларини ясай олгани яъни тошни-тошга уриб меҳнат қилгани учун унга олимлар ушбу номни беришган.

ХОМО САПИЕНС - “Ақл-идрокли, онгли одамлар”. Ушбу ном сўнгги палеолит одами кроманёнга берилган. Уларнинг онги , тили ривожланган бўлиб , бир-бирлари билан бурро-бурро сўзлашганлар.

ИБТИДОЙ ТЎДА – турмуш ва меҳнат умумийлиги негизида бирлашган қадимги одамлар жамоаси.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ХЎЖАЛИК – анча вақт уруғни ўсимлик ва хайвон егулик маҳсулотлари билан таъминлаб келган зироатчилик ва чорвачилиқдир. Зироатчилик термачилиқдан бошланган, чорвачилик эса ов ва хайвонларни қўлга ўргатишдан келиб чиққан.

ЖАРҚЎТОН ОТАШҚАЛЪАСИ - Сурхондарё вилояти Жарқўтон шаҳри харобасидаги оташпарастлар ибодатхонаси. Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқдаги энг қадимий оташқада ҳисобланади. Жарқўтон оташқадасида А.Асқаров раҳбарлигидаги археологик экспедиция тадқиқот ишларини олиб борган (1973-йилдан). Жарқўтон оташқадасининг тархи тўғри тўртбурчак бўлиб, девор (қалинлиги 4,5 м) билан ўралган. Унда доира шаклдаги 6 саждагоҳ, 5 муқаддас қудук, табаррук ашёлар сақланадиган махсус хона бошқа хўжалик хоналари бўлган.

КРОМАНЬЕН («хомо сапиенс» - «онгли одам») – сўнгги палеолит даврининг ҳозирги (неантроплар) кўринишида бўлган қазилма одамларнинг умумлашма номи. 40-12-минг йил илгари яшаган. 1868-йилда Франциянинг ғоридан топилган (номи шундан). Дунёнинг барча қисмида кроманьенга оид суяк қолдиқлари топилган. Кроманьеннинг юз тузилиши ҳозирги замон одамига ўхшайди. Улар тахм. 140 минг йил муқаддам пайдо бўлишган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Археологлар ҳикоя қилади. Тўплам. Тошкент, 1974.
2. Арциховский А. Археология асослари. Тошкент, 1970.
3. Асқаров А., Альбаум Л. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1970.
4. Борисовский А.И. Древнейшее прошлое человечества. Москва. Наука, 1980.
5. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент, 1990.
6. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Тошкент, 1991.
7. Окладников А.П. Палеолит и мезолит Средней Азии. В кн. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М. — Л., 1966.
8. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.
9. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. Пер. с англ. Д. А. Коропчевского. М., 1989.
10. Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И. А. Народы, расы, культуры. М.: Наука, 1985.
11. Ўзбекистон тарихи. Сагдуллаев А., Эшов Б. таҳрири остида. Тошкент. Университет, 1997, 2-нашри, 1999.